

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 47 (1646), 2026 йил 11 март, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news



## ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 март куни қишлоқ ва сув хўжалиги учун муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Кўп соҳаларда илм реал ҳаётдан узоклашиб кетгани, қишлоқ ва сув хўжалигида ҳам айрим йирик лойиҳаларни амалга оширишда илмий асослаш ва экспертизага етарлича эътибор қаратилмаётгани, олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани қайд этилди. Натигада баъзи лойиҳалар қутилган самарани бермаётгани таъкидланди.

Хозирги кунда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида 11 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмоқда, 7 та факультет, 37 та кафедр ва 38 та таълим йўналиши фаолият юритмоқда. Битирувчиларнинг бандлик даражаси 93 фоизни ташкил этади. Университетда хорижлик талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг сони ҳам изчил ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, муҳандис кадрларни тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида дуал таълим тизимини кенг жорий этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақлиф этилган янги тизимга кўра, талабалар 4 кун назарий билим олади, 2 кун

ишлаб чиқариш корхоналарида ҳақ тўланадиган амалиёт ўтайдилар. Жумладан, сув хўжалиги йўналишида сувни тежаш ва сугорилишни самарали ташкил этиш, гидротехника ҳамда гидроэнергетика соҳасида каналларни бетонлаш, смета тузиш ва кичик гидроэлектр станциялар қурилишида иштирок этиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналишида техникаларни тайёрлаш ва ҳосилни йиғиштириш ишларида қатнашиш имконияти яратилди.

Мамлакатимиз сув ресурсларининг катта қисми трансчегаравий манбаларга боғлиқлиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис, сув ресурслари соҳасида дипломат кадрларни тайёрлаш муҳим стратегик вазифалардан бири экани таъкидланди.

Университетда ташкил этилган “Халқаро сув дипломатияси” магистратура дастурини кенгайтириш ва давлат гранти асосидаги қабул ўринларини кўпайтириш тақлифи маъқуланди. Бу дастур орқали қўшни давлатлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Тақдимотда университетнинг илмий-инновацион салоҳиятини кучайтиришга қаратилган янги ташаббуслар ҳам маълум қилинди.

Шу мақсадда университетда дронларни бошқаришга ўқитиш курслари жорий этилди, космик тадқиқотлар ва сунъий йўлдошлар лабораторияси, комплекс илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилди.

Бундан ташқари, университетда рақамли бошқарув ва КРП тизимларини жорий этиш, таълимнинг узлуксиз “мактаб — техникум — университет — ишлаб чиқариш” занжир асосида кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш бўйича режалар ҳам маълум қилинди.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш ҳамда илгор технологияларни кенг жорий этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятида ислохотлар натижадорлиги ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Қашқадарё ўзининг катта ҳудуди, бой табиий ресурслари, ривожланган саноати, меҳнаткаш ва тадбиркор халқи билан улкан салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулотда 6,8 фоиз, саноатда 7,2 фоиз, хизматлар соҳасида 13,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,3 фоизлик ўсиш қайд этилди. 2017-2025 йилларда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 3,2 баробар ўсиб, 26,9 миллион сўмга етди. Ишсизлик ва камбағаллик даражаси тегишли равишда 4,9 ва 6,5 фоизгача тушди.

2026 йилда иқтисодиёт тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан саноатда 8,6 фоизлик ўсишни таъминлаш, 3,5 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 727 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилгани қайд этилди. Натигада вилоят иқтисодиёти 8,2 фоизга, хизматлар 15,9 фоизга, қурилиш 13,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги 5,8 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Саноатда 1,7 миллиард долларлик 195 та лойиҳани ишга тушириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда микросаноат марказлари ташкил этиш орқали тармоқларда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Вилоятда қатор йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш режалари ҳақида ахборот берилди. Жумладан, мато, кийим-кечак ва гигиеник воситалар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари, электр автомобиллари учун қувватлаш станциялари, фиброцементли панеллар ва девор плиталарини ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Муборак махсус инновацион саноат зонаси ва Қарши яшил технологиялар саноат зонасини ташкил этиб, 2026-2027 йилларда уларда 1,1 миллиард доллардан зиёд бўлган 36 та лойиҳани амалга ошириш ва 6 мингга яқин янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Янги ёндашувлар асосида маҳаллаларни чуқур ва ўрта ихтисослаштириш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш ҳисобига камбағалликни қисқартириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Хусусан, маҳаллаларда 820 миллион сўмлик кредитлар, 52,3 миллиард сўмлик ссуда ва субсидиялар ажратиш, ўзини ўзи банд қилганларни қўллаб-қувватлаш орқали 48 мингта тадбиркорлик субъекти

ташкил этилади, 31 мингта микролойиҳа амалга оширилади.

Натижада 2026 йил якунига қадар ишсизликни 3,2 фоизга, камбағалликни 3 фоизга тушириш, бунда Ғузор, Қашқадарё, Қўқдала, Миришкор, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларини камбағаллик ҳамда ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган.

Дунёда гўшт нархлари ошиб бораётган ҳозирги шароитда вилоятда чорвачилик ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, яйлов ерларидан унумли фойдаланиш бўйича янги тизим жорий этилаётгани таъкидланди.

Бунда 2030 йилгача 200 минг гектар, шу жумладан, 2026 йилда 15 минг гектар ерни ўзлаштириш, инфратузилма билан таъминлаш орқали озуқа экинлари, картошка, сабзавот, дуккакли ва мойли ўсимликлар етиштириш ҳажмларини ошириш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда ғалла ҳосилдорлигини ўртача 84,8 центнерга, пахта ҳосилдорлигини 47,5 центнерга, картошка ҳосилдорлигини 175 центнергача ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 48 та ғалла комбайни, 272 та чигит экиш сеялкасини харид қилиш, сув тежовчи технологиялар ва замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигида даромадни 20-35 фоизга ошириш имкони мавжудлиги кўрсатилди.

Сув таъминоти Қашқадарё учун энг оғир масалалардан экани қайд этилди.

Экинларнинг катта қисми насос орқали сугорилиши шароитида 2026 йилда 320 километр магистрал ва 3,3 минг километр ички каналларни бетонлаш, 70,6 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, 27,4 минг гектарда лазерли текислаш ишларини амалга ошириш ҳамда 16 та насос станциясини модернизация қилиш вазифалари белгиланди. Бу орқали 800 миллион куб метргача сув иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида Ҳисорак сув омборидан Қарши шаҳрига сув тортиш лойиҳаси ишлаб чиқарилаётгани маълум қилинди. Ушбу лойиҳа доирасида 16 та ичимлик суви иншооти ва 416 километр тармоқ қурилади. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Деҳқонобод ва Қашани туманларидаги каналзация тармоқлари реконструкция қилинади.

Туризм салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бўйича йилига 1 миллион сайёҳни жалб

қилаётган Мираки шаҳарчаси тажрибаси асосида янги лойиҳаларни қолган туманларда ҳам кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қашқадарё вилоятида “Майданак” баланд тоғ туризм марказини ташкил этиш, Шаҳрисабз туманида бир вақтнинг ўзида 13 минг саёҳатчига хизмат кўрсатадиган “Ғелон” халқаро умуммавсумий курортини барпо этиш, Яккабоғ тумани Татар қишлоғида туризмни ривожлантириш, Ҳазрати Султон чўққиси ҳудудида трекнинг йўналишлари ва чодирли уялар оромгоҳини ташкил этиш лойиҳалари шулар жумласидан.

Умуман, жорий йилда 45 та меҳмонхона ва меҳмон уйи ташкил этилиб, қўшимча 1130 ўрин яратилиши белгиланди.

Вилоятда йўл, уй-жой ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам аниқ дастурлар муҳофиза қилинди. “Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги 2 та туман ва 46 та маҳаллада, шунингдек, оғир тоифадаги 3 та туман ва 108 та маҳаллада ички йўллар, сув таъминоти, сугориш инфратузилмаси ҳамда электр тармоқларини яхшилаш учун жами 864 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши белгиланди.

Ижтимоий йўналишда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича кўрсаткичлар белгиланди. Жумладан, янги давлат ва хусусий боғча, мактаблар ташкил этиш, 120 минг нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, 21,1 минг нафарини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, “Аёллар дастури” орқали 102 минг нафарига ёрдам кўрсатиш чоралари назарда тутилган.

Германия билан ҳамкорликда тартибли меҳнат миграцияси ва касбий тайёргарлик бўйича янги ташаббуслар тақдим этилди. 2026 йилда 3000 нафар, 2027 йилда 5000 нафар ёшнинг Германияга ишга йўналтириш, уларни ўқитиш учун Қарши шаҳрида Таълим ва технологиялар марказини очиб режалаштирилган.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари белгиланган вазифалар ижросини қатъий назоратга олиш, инвестиция ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли турмуши даражасини ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

## НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть ва газ соҳасида белгиланган вазифалар ижросининг ҳолати юзасидан ҳисобот берилди.

Маълумки, жорий йилнинг 30 январь куни “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш, углеводород захираларини кенгайтириш ва тармоқни замонавий технологиялар асосида ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. 23 февраль куни эса ушбу топшириқларнинг дастлабки ижроси кўриб чиқилиб, қатор қўшимча топшириқлар берилган эди.

Бу ялғи тақдимотда маъруз чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни яна бир таҳлил қилинди.

Нефть ва газ соҳасида геология-қидирув ишларини кенгайтириш, янги конларни аниқлаш, мавжуд қудуқлар самарадорлигини ошириш ва қазиб чиқариш ҳажминини барқарорлаштиришга алоҳида тўғалиб ўтилди.

Бу борада соҳа раҳбарларининг жорий йил бошидан 3D сейсмик қидирув ишлари 471 квадрат километр ҳажмда амалга оширилгани, 11 та янги қудуқ ишга туширилгани, 20 та қудуқда таъмирлаш ишлари бажарилгани ва 5 та технологик тадбир амалга оширилгани тўғрисидаги маълумоти кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, соҳада операцион самарадорликни ошириш, корхоналарнинг харажатларини маъқуллаштириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари белгиланган вазифалар ва режалаштирилган чора-тадбирлар ижросини аниқ ҳисоб-китоб ва қатъий интизом асосида таъминлашни давом эттириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА



Дунё тамаддуни — инсониятнинг минг йиллар давомида шаклланган маданий, илмий, ижтимоий ва технологик тараққиётининг яхлит мажмуаси. Ҳар бир давр инсоният тафаккурини даурли равишда ясаган, тараққиётнинг янги мезонларини белгиланган. Тарихий ҳақиқат шуки, жаҳон цивилизацияси ривожиди қадим Турон алоҳида ўрин тутди. Бизнинг дёнёр минглаб алломаларни етиштирган, илм-фан, тиббиёт, фалсафа, астрономия, меъморлик ва давлат бошқаруви соҳаларида инсоният тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни дунёга берган.

## БУЮК ИСЛОҲОТЛАР — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЙЎНЛИГИ

Бугун ана шу тарихий мерос замонавий тараққиёт гоёси билан уйғунлашмоқда. Мамлакатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси нафақат сиёсий-иқтисодий ислохотлар дастури, балки миллий тараққиётнинг янги фалсафасидир. Бу билан дунё тамаддунининг ривожланиш нуқтаси яна қадим Туронга — айнан Ўзбекистонга қайтмоқда дейиш мумкин. Чунки давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат марказида инсон, адолат,

қонунийлик ва очкилик тамойиллари турибди. Энг муҳими, орта қайтмас хусусият касб этган бу ислохотлар тизими, изчил ва узоқ истиқболга қаратилган.

Тарихдан маълумки, давлатлар тараққиётида ҳал қилувчи даврлар бўлади. Уларнинг аҳамияти йиллар ёки рақамлар билан эмас, балки жамият ҳаётида юз берган туб бурилишлар билан ўлчанади. Чинакам етакчининг сиёсий иродаси, ташаббускорлиги ва масъулияти ана шундай даврларни вужудга келтиради. Шу нуқтаи

назардан қараганда, Ўзбекистоннинг сўнгги ўн йиллик тараққиётини фақат статистик кўрсаткичлар билан баҳолаш етарли эмас. Бу — миллий давлатчилик тафаккури янгилашган, фуқаролик жамияти институтлари мустаҳкамланган, иқтисодий эркинлик ва тадбиркорлик муҳити кенгайган, ташқи сиёсатда очиқ ва прагматик йўналиш қарор топган даврдир.

Давоми 3-бетда



Баҳорги тенгқунлик, янги зироатчилик йили бошланишини англатувчи Наврўз байрамнинг тарихи айрим манбаларга кўра, 25 асрдан ортиқ. У қачон, қандай вужудга келганидан қатъий назар, ҳар томонлама илмий асосланиб, коинот ва табиат қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда яралган. Чунонинг, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғликнинг кучайиши, табиатнинг жонланиши Наврўз деб қабул қилинган.

Баҳор — фаслар маликаси, келинчаги, сулуви ва гўзали! Олмининг барча рангларини фақат кўкларда кўрамиз. Табиат уйғониб, гул-чеклар очилиб, атроф-теварак яшил бўлганда бурканин бир паллада юртимиз бўйлаб ўзгача шукуҳ кезади. Тинчлик-омонлик ҳўкм сураётган ватанимизнинг ҳар гўшасида шарқона йилбоши — Наврўз кенг нишонланади: қарнай-сурнай овозлари, шодон яллаю лапарлар, болажонларнинг шўх кулгуси яқин-йироқлардан эшитилиб, кўнгилларга кўклар нашидасини индиради. Шу тарихи халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналари қайта жонланади, янгича қиёфа касб этади. Қолаверса, азалий қадриятларимиз келажак авлодлар онгу шурига синиб боради.

Давоми 2-бетда



Шукуҳ

# НАВРЎЗ – ҚАДР, АДОЛАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК АЙЁМИ



Бошланиши 1-бетда

Халқимиз бу кунни нишонлашга азалдан алоҳида тайёргарлик кўради. Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари имзолаган “2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор ҳам урун дошларимиз оризқиб кутаётган уйғониш фаслининг асосий шодиёнаси кўтаринки руҳда нишонланишидан дарак беради.

Мамлакатимиздаги улкан ўзгариш ва янгиликлар жараёнига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда юксак савияда ўтказишга ҳар қачонгидан ҳам ўзгача шукуҳда тайёргарликни бошлаб берган ҳужжатга кўра, бу йил баҳор айёми “Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашди!” деган эзгу ғояга эш тарзда ўтади.

Нима учун тантаналар руҳини белгилашга “Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашди!” шiori бош гоё сифатида танланди? Юртимизда инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида улкан қадамлар ташланмоқда. Буларнинг барчаси қадимий тарих ва анъаналарга эга шарқона янги йил — Наврўзи оламнинг инсонпарварлик моҳияти, унинг бағрикенглик, саховат ва меҳр-оқибат каби азалий қадриятлари аҳамиятини янада юксалтирмоқда.

Аҳоли манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг ҳеч бир аъзосини меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик, шахар ва қишлоқларимизни обод қилиш, ер ва сув ресурсларидан, барча табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, жойларда аҳиллик, тотувлик ва ҳамжихатликни таъминлаш устувор вазифамизга

айланмоқда. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йўлида нишонланадиган бу йилги Наврўз шодиёналари шу боис, янгилик руҳ ва мазмун касб этади.

Халқимиз асрий орзулари ва даврлар синовидан ўтган одамийлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат каби фазилатлари, шунингдек, бағрикенглик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларини ушбу байрам сайиларига сингдириб юборган, — дейди Олмазор туманидаги “Хастимом” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Саноат Яҳёева. — Мустақилликдан кейин қайта тутилган Наврўз ҳам барча қадимий қадриятларимиз қатори кенг нишонланадиган бўлди. Бу байрам юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан биргаликда тантана қилинади. Дунё сиёсий ҳаритаси турли таҳликлардан титраётган бир паллада жонжон Ўзбекистонимизда барча миллат вакиллари томонидан турли тиллардаги куй ва кўшиқларнинг янграши — тинчлик ва озоишталлик меваси.



Бугун республикамызда 150 дан зиёд миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Марказларнинг ташаббуси билан Наврўз сайилари ташкил этилмоқда. Ҳар бир миллий маданий марказ ўз анъаналари, маросимларини Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллари қаратади. Бадийий жамоалар, ҳаваскорлар ва халқ ардоғидаги санъаткорлар концертлари, миллий таомлар, миллий либослар, хунармандлар кўргазмалари намойишлари кишига олам-олам завқ беради. Миллати, тили, дини ва ирқидан қатъи назар, ҳар бир кишининг қалбига янгилик, қувонч олиб киради.

Наврўз хайру саховат ишларига давлат ҳамдир. Шу кунлари ногиронлиги бор турмушларимизга, бемору ночор кишиларга саховат кўрсатилади, ҳолидан хабар олиниб, имкон даражасида моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади. Юртимиз Наврўзи ана шундай эзгуликлар тимсоли. У шунчаки намойиш, байрам эмас, балки одамнинг инсоний туйғуларига қувват бергувчи, уларни яқинлаштиргувчи, жипслаштиргувчи, ягона ватан туйғусини мустаҳкамлагувчи бебаҳо омилдир.

Қарорда сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларга мос ҳолда маъно-маъмуни тобора чуқурлашиб бораётган Наврўз айёми барча шахар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда умумхалқ сайли сифатида, юксак ташкил савияда ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида тегишли масалалар белгилаб берилган.

Шунингдек, жойларда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган барча тадбирларни юксак даражада ташкил этиш, уларда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йилги Наврўз муборак

Рамазон ҳайити байрами билан ҳамоҳанг тарзда нишонланиши унинг инсонпарварлик тамойилларини янада кучайтиришини инобатга олиб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхонларини ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини маҳалла фаоллари, ёшлар ва хотин-қизлар вакиллари иштирокида уюшқоқлик билан ўтказиш назарда тутилмоқда.

Наврўз байрами кунлари Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг “Ҳар туннинг қадри ўлубон, ҳар куннинг ўлсун Наврўз!” байтида қайта-қайта тилга олинган, — дейди Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо. — Унинг моҳиятига бугунги кун нуқтаи назаридан ўзгачароқ назар ташласак, қадр тунни — муборак Рамазон ойи ичра эзгу дуолар, ниятлар ила бедор ўтказиладиган тун. Бу тун тонгга қадар қилинган ибодат, минг ойлик ибодат савобини беради, эзгу ниятлар, дуолар қабул бўлади дейдилар. Наврўз — Янги кун эса уйғониш, яшариш фасли баҳорга йўлдош, тун ва кун адолат таразоси ичра тенг келган муқаддас, борлик, бог-роғлар жаннатий ифторларга тўлган, далаларда деҳқон ер ҳайдаб, баракка уруғини сочадиган палла. Қарангки, қадр тундаги яхшилик соғинчи, табиатдаги уйғониш замиридаги баракка ва хайрли оқибат илнжи Ўзбекистондаги бугунги давр, ислохотлар руҳига қанчалар уйғун.

Дошқозонлар атрофида сумалак, ҳалим тайёрлаш, ўйин-кутиллар моҳиятида, аввало, халқимизнинг бир-бирига меҳр-оқибати, бирлиги, ҳамжихатлиги, елкадошлиги, бир мақсад йўлида бири-бирига суянчиқлиги намоён бўлади. Бугун ҳам бизга Наврўзнинг бу каби инсонпарварлик тамойиллари жуда зарур.

Наврўзнинг инсонпарварлик моҳияти, азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг экани жойларда, катта майдон ва сайилгоҳларда, барча маҳаллаларда нишонланадиган шодиёналар моҳиятини белгилаб беради. Мамлакатимиздаги туб демократик ислохотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашда оз бераётган ижобий ўзгаришлар меваси сифатида бўй кўрсатади.

Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



## Рамазон таровати

Ҳамон эсимда. Рамазон ойи келса, болалар учун байрам эди. Оилалар дастурхони ҳар қачонгидан-да мўл, файзли бўларди, назаримда. Қай бир хонадонга кирмайлик, чўнтагимиз ширинликларга тўлиб тошар, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар ўртасида ўзаро борди-келди авж оларди. Онам тандирдан узган иссиқ нонларни дастурхонга ўраб, ёши улуғлар, беморларни йўқлашга ошиқарди...

## САХОВАТГА БОЙ АМАЛЛАР

Қадри баланд қадриятлар кейинги йилларда янада ривожланди. Ногирон, ўзгалар парварлишига муҳтож, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, кундалик ҳаёт тарзи учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш сай-ҳаракатлари кўлами кенгайди, янги ташаббуслар кўло ёзди.

“Ўйлама” маҳалла фуқаролар йиғинида давлат таъминотидаги 7 та оила, 14 та камбағал оила ва яққа-ёлғиз 1 нафар кекса ҳамюртимиз ҳолидан хабар олиниб, меҳр-мурувват кўрсатилди.

Саховат тадбирлари Фарғона вилоятининг шахар-туманларида катта уюшқоқлик, ҳамжихатлик билан ўтказилади. Барча деҳқон бозорларида арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркалари очилган. Шу боис, дастурхонлар ҳар қачонгидан тўкин, файзли. Фуқаролар рўзғор учун зарур озиқ-овқатлар маҳсулотларини анча арзон нарҳларда харид қиляпти. Нарх-наво барқарорлиги мута-садди идоралар томонидан кундалик мониторинг қилиняпти.

Бувайда туманининг “Шўр” МФЙда яна бир саховати ишга қўл урилди. Шўр ва Ўрта Кўнғирот маҳаллаларини ўзаро боғловчи йўлга саховатпеша кишилар кўмағида янги кўприк қурилмоқда. Эзгу ташаббус маҳаллаларо қатновчи енгиллаштиради, аҳоли турмуш шариотини яхшилаш ҳамда ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат акс этиб турувчи муҳитини янада мустаҳкамлайди.


“Ёйилма” маҳалла фуқаролар йиғинида хайр-саховат амалларидан ташқари фаоллар, нурунийлар ҳамда ёшлар иштирокида ҳашар ва ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб бериляпти. Кўчалар ва ариқлар чиқиндилардан тозаланиб, сув оқимларини яхшилашга эришилди. Сув ёқалаб манзарали, мевали қўчатлар экилиб, яшил майдонларни кенгайтириш ишлари бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ.

Меҳр ва саховат тадбирлари доирасида Фарғона вилоятида давлат таъминотидаги 24 мингга яқин оила, ўзгалар парварлишига муҳтож, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрида турувчи қарийб 2 минг фуқарога, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаётган 500 га яқин оилага 1 миллион сўмдан, “камбағал оила” тоифасидаги 42 мингга яқин ҳамда “маҳалла еттилиги” тавсияси асосида 4700 дан орტიқ оилага 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам берилиши кўзда тутилган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси ижтимоий тўловлар шўъбаси мудири Жалолиддин Ражабов.

Эзгу ниятлар устувор бўлган жамиятда инсон қадри янада юксалади. Бундай амаллар халқимиз бирдамлиги ва ҳамжихатлигини мустаҳкамлаб, муборак ойнинг файзи баракасини ҳар бир хонадонга, кўнгаларга шодлик, шуқронлик, дахдорлик туйғуларини олиб кириш имкониятини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# ЖАМИЯТИМИЗДА ЗЎРАВОНЛИККА ЎРИН ЙЎҚ



## Шарҳ

Илҳомжон РАҲМОНҚУЛОВ,  
Олий суд судьяси

Юртимиз бўйлаб 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни байрами кенг нишонланаётган шу кунларда барча меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳар бир оилада дуоғўй онахонларимиз, мунис опа-сингилларимизга алоҳида эътибор, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишмоқда. Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони байрам шукуҳига янада кўтаринкилик, опа-сингилларимиз қалбига фахр-ифтихор бағишлади десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Зеро, мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончи таъминлаш, уларни ҳар қандай таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бунда, айниқса, давлат органлари ва ташкилотларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирилган ҳолда самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи дунёнинг деярли барча давлатлари конституцияларида, қонун ҳужжат-

Яна бир маълумот. Дунёда 650 мингдан орტიқ қиз бола 18 ёшга тўлмастан турмушга чиққан. Қарийб 12 миллион қиз эрта никоҳ қурбони бўлади.

Жамиятимиз учун бу ҳолат бегона эмас. Қиз бола балоғат ёшига етиши билан турмушга беришга шошиламиз. Ўқиб олима бўлармики, қолганини қайнонасининг мактабда ўқийди деган қарашлар айрим ҳолларда қизларнинг бахтсизлигига сабаб бўляпти.

Юртимизда аёллар ва болаларни таъйиқ ва зўравонликнинг барча шакллари билан ишончи ҳимоя қилиш беришда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, суд амалиёти уларга нисбатан зўравонлик ва таъйиқ ҳолатлари ҳанузгача учраётганини кўрсатмоқда. Хусусан, 2025 йилда аёлларга нисбатан зўравонлик ва таъйиқ ўтказиш билан боғлиқ кўрилган жиноят ишларидан англашладикки, бундай ҳолатлардан 2800 дан зиёд аёл жабрланган, 1100 дан ортиқ ҳолат бўйича эса 1200 дан зиёд бола жабр кўрган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 мартдаги фармонида мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончи таъминлаш, уларни ҳар қандай таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилувчи аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб ҳимоя ордери берилган жабрланувчи хотин-қизларнинг алоқа воситаларига “SOS” чақирув тугмалари ўрнатилди, зўравонларни мажбурий амбулатор психиатр кўригидан ўтказиш тартиби жорий этилди.

2026 йил 1 ноябрдан бошлаб эса Жиноят кодексининг 6 та моддасидаги жинсий жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ички ишлар органларидан прокуратура органларига ўтказилади.

Шунингдек, вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган шахвоний шилқимлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатлари “қилмишда жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида” прокурор томонидан қарор қабул қилингандан сўнг судга юборилади. Педофиллар, яъни ЖКнинг

118- ва 119-моддаларидаги жиноятларни содир этган шахслар манзил колонияларга ўтказилмайдиган маҳкумлар тоифасига киритилади.

2027 йил 1 январдан илгор халқаро амалиётлар, шу жумладан, Канада ва Испания тажрибаси асосида аёллар ва болаларга



“2025 йилда АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЪЙИҚ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРИЛГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИДАН АНГЛАШИЛАДИКИ, БУНДАЙ ҲОЛАТЛАРДАН 2800 ДАН ЗИЁД АЁЛ ЖАБРАНГАН, 1100 ДАН ОРТИҚ ҲОЛАТ БЎЙИЧА ЭСА 1200 ДАН ЗИЁД БОЛА ЖАБР КЎРГАН.

нисбатан таъйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларга ихтисослаштирилган ва махсус тайёрлагандан ўтган терговчилар ва судьялар фаолияти йўлга қўйилади.

Педофиллар учун умрбод озодликдан маҳрум қилишга бўлган жазони белгилаш, шунингдек, шахвоний шилқимлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини уч ой муддатда киритиш вазифаси белгиланди.

Бу чоралар натижасида жабрланувчиларнинг ҳимояси кучаяди, тергов ва суд жараёнлари сифати ошади, зўравонлик қурбонлигига тез ва самарали ёрдам кўрсатилади, ҳуқуқбузарликларнинг латентлиги камаяди ва жазо муқаррарлиги таъминланади.

Аҳамиятлиси, фармон билан жамиятда гендер тенгликни мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ва аёллар ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, зўравонликка қарши муросасизлик муҳитини шакллантириш ҳамда оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини ошириш орқали келажак авлодининг сифатли тарбиясига замин яратилади.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжат давлат органлари, жамоатчилик ва диний идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириб, фуқароларнинг фаол иштирокини рағбатлантиради, билими ва иқтисодий мустакил аёллар сонини кўпайтиришга хизмат қилади. Натижада зўравонлик ҳолатлари кескин камаяди, жамиятда адолат ва хавфсизлик даражаси юқорилди, мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшилади.

Албатта, бу йўлда янада кўпроқ ақл билан мулоҳаза юритиш керак, аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлашда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда биргаликда қонуний ечимини топиш, жойларда аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришимиз лозим бўлади.



Янги Ўзбекистон руҳи



# БУЮК ИСЛОҲОТЛАР – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

## ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Конституциявий суд раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

### Бошланиши 1-бета

Мухими, жамиятимизда инсон омилига муносабат ўзгарди. “Инсон қадрини учун” деган эзгу гоя амалда ўз ифодасини топмоқда. Адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш, давлат хизматларини халққа яқинлаштириш, ёшлар ва хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш, таълим ва инновацияга устувор аҳамият қаратиш — буларнинг барчаси Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга қаратилган стратегик қадамлар.

Бугунги шиддатли глобал рақобат шароитида тараққиёт аниқ режа, қатъий интизом ва узулксиз янгилашни талаб этади. Янги Ўзбекистон гояси ана шу талабларга жавоб берадиган миллий тараққиёт модели сифатида намойён бўлмоқда. Агар Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларида замминизм илм-фан ва маърифат маркази сифатида ном қозонган бўлса, бугунги мақсад шу тарихий нуфузни замонавий инновациялар, рақамли технологиялар ва юксак интеллектуал салоҳият асосида қайта тиклаштириш.

Шу маънода, сўнгги ўн йилни, муболагисиз, асрларга татигулик давр деб аташ мумкин. Чунки бу йиллар мобайнида жамият руҳияти, давлат ва халқ ўртасидаги

қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичигача юксалтиришни назарда тутди.

Стратегик фикрлашнинг муҳим белгиларидан бири бугунги муаммони ҳал қилиш билан бирга эртанги эҳтимолий хавф-хатарларни олдиндан кўра билишдир. Учинчи Ренессанс гояси давлатимиз раҳбарининг узоқни кўра билиш қобилиятини янада кенг ва ёрқин намойён қилди.

Ҳар қандай кенг қўламли ислоҳотлар, аввало, сиёсий ирода ва қатъий позициядан бошланади. Ўтган даврда мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча соҳасини қамраб олган минглаб қарор ва фармонлар давлатчилик фалсафасидаги туб бурилишнинг амалдаги ҳуқуқий ифодаси бўлди.

Энг муҳим ўзгариш шундаки, ислоҳотлар ташқи шакли эмас, ички моҳиятини ўзгариштиришдан бошланди. Давлатнинг роли қайта таърифланди: у назорат қилувчи ва жазоловчи эмас, балки халқ манфаатига хизмат қилувчи институт сифатида белгилаб қўйилди. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил бошқаруving бош мезонига айланди. Бу гоя раҳбариятнинг сиёсий баёноти даражасида қўлиб кетмади, балки амалий бошқарув жараёнига татбиқ этилди.

Раҳбар ҳодимларнинг муаммоларни жойида ўрганиши, танқидий таҳлил ва шахсий масъулият тамойилига таяниши бошқарув маданиятида мутлақо янги стандартни шакллантирди. Илгари муаммо яширилар эди, бугун эса уни очик тан олиш ва ҳал этиш устувор вазифага айланди. Илгари ҳисобот расмий қарор билан чекланган бўлса, бугун натижа инсон ҳаётидаги амалий ўзгариш билан ўлчанмоқда.

Иқтисодий либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, суд-ҳуқуқ тизимини қайта қуриш, очиклик ва шаффоқлиқни таъминлашга қаратилган бундай изчил



муносабатлар, бошқарув маданияти ва стратегик мақсадлар тубдан янгилади.

### Бой тажриба ва улкан тафаккур

Учинчи Ренессанс гояси шунчаки залворли шпор ёки қисқа муддатли сиёсий дастур эмас. У миллий тараққиётнинг чуқур ўйланган, тарихий тажриба ва замонавий глобал жараёнлар таҳлилига таянган стратегик концепциядир. Бу гоянинг марказида инсон капитали туради. Зеро, XXI асрда бойлик табиий ресурслар билан эмас, билим, инновация ва интеллектуал салоҳият билан ўлчанмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс тамойили айнан шу ҳақиқатни англашдан келиб чиққан. Инсон капиталига сармоя киритиш ижтимоий сиёсат, давлат хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлик ва миллий рақобатбардорлик масаласидир. Мактабгача таълим қамровининг кенгайтириш, замонавий мактаблар барпо этилиши, янги университетлар ва хоржий олий таълим муассасалари филиалларининг очилиши, илмий ресурслар билан эмас, билим, инновация ва интеллектуал салоҳият билан ўлчанмоқда.

### Ишонч капитали — барқарорлик омили

Мамлакатимизда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда сифат жиҳатдан мутлақо янги муҳит шакллантирилди. Асосийси, ўзаро ишонч тикланди ва у институционал асос касб этди. Бу сиёсий барқарорликни таъминловчи стратегик капитал эканини кўпчилик яхши билади.

Мурожаатлар билан ишлашнинг ягона тизими, очик мулоқот ва жамоатчилик назорати механизмлари давлат бошқарувида мутлақо янги амалиётни қарор топтирди. Илгари фуқаро муаммоси идора деворлари ортда қўлиб кетган бўлса, бугун у давлат сиёсати кўл тартибига чиқмоқда. Мурожаатлар таҳлили қарор қабул қилиш жараёнининг асосий манбаига айланди.



Энг муҳими, “Давлат фаолияти инсон учун” тамойили декларатив шпор даражасида қўлиб кетмади. У бошқарув амалиёти, ҳисобдорлик ва очиклик маданияти орқали намойён бўлаётди. Жамиятнинг сиёсий фаолиги ортб, фуқаролик позицияси мустаҳкамланмоқда. Ишонч муҳити эса инвестициявий жонивадорликдан тортиб, ижтимоий барқарорликка қадар барча соҳага ижобий таъсир кўрсатадиган омилга айланди. Чунки ишонч бор жойида ҳамкорлик бор. Ҳамкорлик бор жойида эса барқарор тараққиёт таъминланади.

### Конституциявий модернизация ва ҳуқуқий қафолат

2023 йилда янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Бу ҳужжат айрим нормаларини эмас, давлатнинг мазмун-моҳиятини ҳам янгилади.

Янги тахрирда ижтимоий давлат гояси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, хусусий мулк дахлсизлиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли конституциявий даражада мустаҳкамланди. Бу эса ислоҳотларнинг вақтинчалик сиёсий жараён эмас, балки узоқ муддатли стратегик йўналиш эканини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлади.

Моҳиятан, янги тахрирда Конституцияни Учинчи Ренессанс гоясининг ҳуқуқий архитектураи дейиш мумкин. У давлат ва жамият муносабатларини янги тамойиллар асосида белгилаб, инсон қадрини олий қадрият сифатида эътироф этди. Бу пойдевор барқарор ривожланиш, сиёсий изчиллик ва иқтисодий хавфсизлик учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

### Инсон қадрини ва адолат устуворлиги

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар инсон қадрини юксалтириш сиёсатининг энг ҳал қилувчи йўналишларидан бирига айланди. Бу жараён қатъий сиёсий ирода ва изчил ҳаракатлар натижасида амалга оширилмоқда.

Биринчидан, суд мустақиллигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгилаб қўйилди. Судьяларни танлаш ва тайинлаш тизими такомиллаштирилди, уларнинг процессуал мустақиллиги ва дахлсизлиги кучайтирилди. Суд ҳокимиятини яхшироқ ва тенг ҳуқуқли тармоқли мақоми амалда мустаҳкамланди.

Иккинчидан, жазо сиёсатининг либераллаштирилиши инсонпарварлик тамойилига асосланган янги ёндашуви шакллантирди. Жиноий жазоларни енгилаштириш, айрим қилмишларни декриминализация қилиш, озоликдан маҳрум этишга альтернатив чораларни қўллаш каби механизмлар жорий этилди. Булар жазоландан кўра, шахсни қайта тарбиялаш, тўғри йўлга йўналтириш гояси устуворлиги адолат тушуқчасининг мазмунан янгилашдан далолат.

Учинчидан, янги тахрирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг конституциявий шикоят қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб, конституциявий назорат механизмининг янада кучайтирди. Конституциявий суд ваколатларининг кенгайтирилиши давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги мувозанатни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Буларнинг барчаси ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Шу билан бирга, тергов ва суд жараёнида процессуал қафолатлар кенгайтирилди, адвокатура институтининг роли оширилди, оқил судлов самардорлигига қаратилган тизимли чоралар кўрилди. Энг муҳим жиҳат — инсон шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилди. Суд-ҳуқуқ тизими фаолиятида жазолаш эмас, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ўрнатилш мақсадга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг шахсий позицияси, очик мулоқотга тайёрлиги ва танқидий таҳлилга асосланган фаолияти самарасида адолат бошқаруving амалиётида мезон сифатида тасдиқини топди. Қонун устуворлиги реал мазмун касб этиб, ислоҳотлар янги Ўзбекистонда демократик давлатчилик ва адолатли жамият барпо этишнинг мустаҳкам пойдеворини яратди.

### Ижтимоий давлат гоясининг амалдаги ифодаси

Янги Ўзбекистон шароитида ижтимоий давлат гояси декларатив принципдан амалий сиёсат даражасига кўтарилди. Янги тахрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий давлат тамойили ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг мазмунини оддий: иқтисодий ўсиш орқали яшилган самара, аввало, инсон манфаатига хизмат қилиши керак.

Ислоҳотлар марказида фуқаро, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар тургани инсон қадрини юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизими манзилли ва шаффоқ шаклга ўтказилди. Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва хизматлар ягона мезонлар асосида тақдим этила бошлади. Бу ёндашув эҳтиёжини аниқлаш, ресурсларни тежаш ва ҳақиқий манзилга етказиш имконини берди.

Уй-жой сиёсати ҳам ижтимоий давлат гоясининг муҳим йўналишига айланди. Арзон

сақлаш ва таълим хизматларининг кўрсатилиши бюрократик тўсиқларни йўқотиб, шаффоқлиқни кучайтирди. Давлат хизматларининг соддалашини фуқаронинг вақт ва имкониятларини тежашга хизмат қилмоқда.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгилаштирилган ижтимоий давлатнинг стратегик мазмунини очиб беради. Янги мактаблар ва олий таълим муассасаларининг очилиши, тиббиёт муассасаларининг модернизация қилиниши, рақамли тиббий хизматларнинг жорий этилиши инсон капиталига узоқ муддатли сармоя сифатида қаралаётган адолат далолат беради. Чунки фаровонликнинг энг ишончли қафолати билим, соғлом жамиятдир.

Мухими, ижтимоий адолат тамойили давлат сиёсатининг устувор мезонига айланди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, даромадларини ошириш, янги иш ўринлари очиб ва ижтимоий ҳимоя механизмларини такомиллаштириш — буларнинг барчаси тизимли ёндашувлар самараси.

### Бошқаруving рақамли трансформацияси

Давлат бошқарувидаги энг муҳим институционал янгилаштирилган бири рақамли трансформация бўлди. Бу жараёни оддий техник модернизация сифатида баҳолаш нотўғри, албатта. Чунки гап ахборот технологияларини жорий қилиш ҳақида эмас, балки давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар фалсафасини ўзгариштириш ҳақида бормоқда.

Рақамлаштириш давлат сиёсатининг стратегик йўналишига айланди. Асосий мақсад давлат хизматларини максимал даражада соддалаштириш, инсон омили таъсирини камайтириш ва қарор қабул қилиш жараёнини шаффоқлаштиришдан иборат.



турар жой дастурлари, ипотека имкониятлари кенгайтириш, маҳаллалар инфратузилмасининг янгилаштирилган фуқаролар турмуш сифатини яхшилашга қаратилди. Инфратузилмага сармоя киритиб, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш орқали ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланаётди.

Бугун давлат хизматларининг катта қисми электрон платформалар орқали тақдим этилмоқда. Рухсатнома ва лицензиялар, ижтимоий нафақалар, солиқ ва боғжона хизматлари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш каби жараёнларнинг рақамлаштирилиши вақт ва молиявий харажатларини сезиларли даражада қисқарттириш имконини берди. Энг муҳими, фуқаро идора эшиги олдида сарсон бўладиган коррупцион тизимдан

электрон мурожаат ва онлайн хизматлар тизимига ўтиши таъминланди.

Рақамли трансформация давлатнинг очиклиги ва ҳисобдорлигини ҳам кучайтирди. Электрон маълумотлар базалари, онлайн мониторинг ва рақамли таҳлил механизмлари қарор қабул қилиш сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса коррупциявий омиллар ва маъмурий тўсиқларни қисқарттиришда муҳим воситага айланди. Шаффоқлик орқали ишонч мустаҳкамланди.

Энг долзарб жиҳат — “сервис давлат” ва “проактив бошқарув” модели қарор топмоқда. Давлат фақат мурожаатларга жавоб берувчи институт эмас, балки фуқаролар эҳтиёжини олдиндан аниқлайдиган, таҳлил қиладиган ва зарур хизматни тақлиф этадиган тизимга айланмоқда. Масалан, маълум ижтимоий ҳолат юзага келганда ёки фуқаро муайян ҳуқуққа эга бўлганда давлат хизмати автоматик тарзда тақлиф этиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Бу бошқарув маданиятидаги сифат ўзгаришидир.

Рақамли технологиялар орқали давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот тез, қулай ва самарали шаклга эга бўлди. Қабул қилинадиган қарорлар лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйилмоқда. Халқ фикри асосида қабул қилинган қарорлар ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Рақамли трансформация янги Ўзбекистонда самарали, очик ва проактив давлат бошқаруving шакллантиришга қаратилган стратегик йўналиш бўлиб, айнан шу ёндашув рақобатбардор иқтисодий ва замонавий бошқарув тизимининг мустаҳкам пойдеворини таъминлайди.

### Янги сиёсий ёндашув

Давлатнинг фуқароликка оид сиёсатидаги ислоҳотлар ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги энг аҳамиятли ўзгаришлардан бири бўлди. Бу жараён фақат меъриий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш билан чекланмади, балки инсонпарварлик тамойилларига таянган янги сиёсий ёндашуви қарор топтирди.

1991-2016 йилларда фуқароликка қабул қилиш масалалари чекланган амалиёт доирасида кўриб чиқилган туйғули йўналишга беш йилда бир неча юз шахс фуқароликка қабул қилинганди. 2017 йилдан кейин Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан фуқаролик бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилди, ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди, инсон тақдирини ва унинг ҳуқуқий мақомига нисбатан адолатли ёндашув устувор аҳамият касб этди. Натижада ҳозиргача 100 мингдан ортиқ шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Бу рақам ортда шунчаки статистик кўрсаткич эмас, балки минглаб инсонларнинг тақдирини, ҳуқуқий аниқликка эришиши, ижтимоий интеграцияга ва келажакка ишончи мумжасам. Фуқаролик шаклининг давлат ва жамият билан узвий боғлиқлигини англаувчи сиёсий-ҳуқуқий қадриятдир. Шу маънода, фуқаролик сиёсатидаги ислоҳотлар инсон қадрини юксалтириш билан бевосита уйғунлашди.

### Юксак маънавий мезонлар

Президентимизнинг давлат раҳбари ва миллат етакчиси сифатидаги фаолияти мамлакатимиз тарихида мутлақо янги босқични бошлаб берганини бугун нафақат нурдошларимиз, балки халқро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда. Ўзбекистоннинг очик ва прагматик сиёсати, инсон ҳуқуқлари, минтақавий ҳамкорлик ва иқтисодий модернизация соҳасидаги изчил қадамлари мамлакатимизнинг халқро нуфузини сезиларли даражада оширди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар чуқур ўйланган стратегик янгилаштирилган дастурнинг амалий ифодаси бўлиб, давлат бошқаруving, иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий соҳа, рақамли трансформация ва ташқи сиёсат каби устувор йўналишлардаги ўзгаришлар ўзаро боғлиқ ва яхлит тараққиёт моделини шакллантирди.

Буларнинг барчаси кенг қамровли ислоҳотларнинг айрим йўналишлари, холос. Аслида, сўнгги йиллардаги ўзгаришлар қўлами ва мазмунини жиҳатидан бугун бир тарихий даврга тенгдир. Энг муҳими, бу жараёнлар муайян соҳаларни янгилаш билан чекланмай, жамият тафаккурини, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар мазмунини ўзгариштирди.

Шу нуқтага назардан қараганда, бугунги ислоҳотлар келажак авлодлар тақдирини учун ҳам хизмат қиладиган стратегик қарорлар эканини англаш мумкин. Янги Ўзбекистон тараққиёти бу сиёсий ирода, халқ ишончи ва инсон қадрини олий мезон сифатида белгилаган давлат сиёсатининг узвий уйғунлиги самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, юксакликка бўйи қўзғатган мамлакатимиздаги ислоҳотлар нафақат замонавий кўдратли давлат, балки юксак инсоний қадриятларга таянган адолатли жамият барпо этишга қаратилган ва узоққа мўлжалланган тарихий танлов.

Бугун рақамли технологиялар жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи омилга айланди. Халқаро таҳлиллар рақамлаштириш даражаси юқори мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ўсиши барқарор, меҳнат унумдорлиги эса анча юқори бўлишини кўрсатади. Сабаби оддий: рақамли ечимлар вақт, харажат ва инсон омилли билан боғлиқ хатарларни камайтиради, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиради.

Рақамли иқтисодиётни тизимли ривожлантирган давлатлар рақобатда устунликка эга бўлмоқда. Улар юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, экспорт географиясини кенгайтиради ҳамда глобал инвестиция оқимини жалб қилади. Шу билан бирга, электрон давлат хизматлари орқали бизнес юритиш осонлашади, соядаги иқтисодиёт ҳажми қисқаради, давлат бошқарувида шаффофлик таъминланади. Шунингдек, инновацион экотизим тез шаклланади. Стартаплар, венчур инвестициялар ва илмий ишланмалар иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаига айланади. Бу жараёнда инсон капитали ҳал қилувчи ўрин тутади. Таълим ва рақамли кўникмаларга сармоя киритилмаган жамият рақамли трансформациядан кутилган натижаларни ололмайд.

Шу боис, рақамли ривожланиш бугун ҳар бир давлат учун стратегик масалadir. Бу соҳада ортада қолиш иқтисодий ўсиш суръатининг пасайишига, рақобатбардошликнинг йўқолишига олиб келади. Аксинча, рақамли ислохотларни изчил амалга оширган мамлакатлар иқтисодий барқарорлик, самарали давлат бошқаруви ва аҳоли турмуши сифатини оширишга эришмоқда.

Давлатимиз раҳбари 20 январь куни рақамли технологияларни ривожлантириш соҳасида эришилган натижалар ҳамда 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган тақдирот билан танишди. Мазкур тақдирот мамлакатда рақамли трансформация жараёни тизимли тус олгани, бу йўналиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яна бир бор намоён этди.

Сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва инновацион экотизимни шакллантириш бўйича қилинган ишлар аниқ натижа бермоқда. Хусусан, хоржий экспертларнинг таҳлиliga кўра, 2024-2025 йилларда Ўзбекистондаги стартап ва венчур экотизимнинг умумий қиймати 3,9 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткич рақамли соҳада қабул қилинган қарорлар тасодифий эмас, балки иқтисодий ҳисоб-киتاب ва стратегик режалаштиришга асосланганини кўрсатади. Маҳаллий стартаплар сонининг 750 дан ошгани мамлакатда инновацион фаоллик кескин ўсганидан далолат беради. Бу, аввало, ёшлар ўртасида технологик тадбиркорликка қизиқиш кучайгани, стартаплар учун ҳуқуқий ва молиявий шартнош яратилгани билан изоҳланади. Айни пайтда 15 та венчур фонд фаолият юритаётгани ва венчур капитал ҳажмининг 180 миллион доллардан ошгани

олдига қўйилган вазифалар кўламидан далолат беради. Мазкур мақсадлар тасодифий эмас. Улар халқаро тажриба, бозор таҳлиллари ва хоржий салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда белгиланган. Стартаплар сонининг кескин ошиши ички рақобат муҳитини кучайтиради, инновацион гоъларнинг бозорга чиқишини тезлаштиради ва янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади. Экспортга чиққан стартаплар сонини кўпайтириш эса рақамли

хусусий сармоя ва халқаро молия институтларининг Ўзбекистон рақамли бозорига ишончи ортиб бораётганидан далолат. Муҳими, ушбу сармоя аънавий соҳаларга эмас, балки юқори қўшимча қиймат яратадиган, экспортга қаратилган рақамли маҳсулот ва хизматларга йўналтирилмоқда. Бу эса иқтисодиёт таркибининг диверсификация қилиши, хомашга қарамлини камайтириш ва глобал рақобатда мустақкам ўрин эгаллаш имконини беради.

Халқаро баҳолашларга кўра, Ўзбекистон дунёдаги иккинчи тез ўсиб бораётган, Марказий Осиёда эса энг жадал ривожланаётган стартап экотизимига эътибор қилинмоқда. Бу натижа давлат, хусусий сектор ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик изчил йўлга қўйилгани билан боғлиқ.

Ушбу кўрсаткичлар рақамли технологияларни ривожлантириш мамлакат учун қисқа муддатли лойиҳа эмас, балки узоқ муддатли стратегик устувор йўналиш эканини тасдиқлайди. Эндиги асосий вазифа — ўсиш суръатини сақлаб қолиш билан бирга стартапларни глобал бозорга олиб чиқиш, венчур молиялаштириш ҳажмини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва рақамли иқтисодиётни миллий тараққиётнинг асосий драйверларидан бирига айлантиришдир.

Тақдиротда 2030 йилга қадар стартаплар сонини 5000, экспорт бозорига чиққан стартаплар сонини 200 тага етказиш ҳамда венчур инвестициялар ҳажмини 2 миллиард долларга кўтариш мақсад қилингани таъкидланди. Бу кўрсаткичлар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида мамлакат

хусусий сектор қўллаб-қувватлайди. Гоя ва ишлаб чиқиш босқичларида грантлар ҳамда солиқ имтиёзлари тақдим этилиб, инновацион ташаббусларнинг илк қадам рағбатлантирилади. Ишга тушириш ва масштаблаштириш босқичларида эса қўшма молиялаштириш, экспорт харажатларини қоплаш учун молиявий ресурслар ажратилиши кўзда тутилган.

Бундай ёндашув стартапларни фақат ташкил этиш билан чеклиб қолмай, барқарор бизнес субъектларига айлантириш, глобал бозорга чиқишга тайёрлашни назарда tutади. Айни пайтда давлатнинг вазифаси тўғридан тўғри иштирокчи бўлиш эмас, балки қўлай муҳит яратиш, рискларни камайтириш ва хусусий капитал учун ишончли шарт-шароитларни таъминлашдан иборат.

Умуман, белгиланган мақсад ва механизмлар рақамли иқтисодиётни мамлакат тараққиётининг узоқ муддатли драйверига айлантиришга қаратилган стратегик ёндашув эканини кўрсатади.

Тақдиротда электрон давлат хизматларини янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича аниқ режалар белгиланди. Жумладан, рақамли хизматлар сонини 900 тагача етказиш, "my.gov.uz" мобил иловасининг функционал имкониятларини кенгайтириш, 50 дан ортққ давлат хизматида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш режалаштирилгани қайд этилди. Бу кўрсаткичлар рақамлаштириш жараёни фақат хизматлар сонини ошириш эмас, балки уларнинг сифати, қўлайлиги ва фойдаланувчига йўналтирилганини таъминлашга қаратилганини кўрсатади.

Хусусан, аҳолининг ягона реестрини ишлаб чиқиш давлат бошқаруви учун муҳим институционал асос яратишга хизмат қилади. Бу орқали маълумотларни такрор йингида амалиётга бартараф этилади, давлат идоралари ўртасида маълумот алмашиш тезлашади, қарор қабул қилиш жараёнида аниқлик ва ишонччилик ошади. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектини очиб, янги тартибдаги тадбиркорларни ҳисобга қўйиш, банк пластик картасини очиб, сим карта олиш, суғурта ва реклама хизматларини рақамлаштириш каби жараёнларнинг онлайн йўлга қўйилиши аҳоли ва бизнес учун вақт ҳамда харажати сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.


Бу каби хизматларнинг рақамлаштирилиши, аввало, маъмурий тўсиқларни камайтириш, инсон омилли билан боғлиқ хавфларни кечлаш ва соя иқтисодиёти улушини қисқартиришга хизмат қилади. Шу маънода, электрон давлат хизматлари рақамли иқтисодиёт ривожининг муҳим пойдеворидир.

Тақдиротда, шунингдек, сунъий интеллект технологиялари учун зарур инфратузилмани яратиш ишларининг бориши ҳақида ҳам атрафчиқа ахборот берилди. Айни пайтда замонавий кичик суперкомпьютер ишга туширилган, катта қувватга эга суперкомпьютерни харид қилиш ва эксплуатацияга жорий этиш ишлари фаол босқичда экани таъкидланди. Бу инфратузилма сунъий интеллект ечимларини амалий жиҳатдан таътиқ этиш учун зарур.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу эса соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни кучайтириш ва маҳаллий сунъий интеллект ечимларини ишлаб чиқиш учун мустақкам асос яратди. Муҳими, мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистонда сунъий интеллектни импорт қилишдан яратиш ва жорий этиш босқичига ўтишга хизмат қилади.

Умуман, электрон давлат хизматлари ва сунъий интеллект инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар рақамли трансформациянинг навабатдаги, сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб бераётди.

Тақдиротда мамлакат ҳудудида замонавий дата марказлар тармогини янада кенгайтириш, ахборот тизимларининг барқарор ишлаши, маълумотлар хавфсизлиги ва



маҳсулот ва хизматларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш, валюта тушумини ошириш ва мамлакатнинг технологик имижини мустақкамлашга қаратилган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун халқаро амалиёт асосида стартапларни қўллаб-қувватлашнинг тўрт босқичли тизимини жорий этилмоқда. Яъни гоъдан масштаблаштиришга бўлган бутун занжирни давлат ва



# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА АСОСЛАНГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК

Президентимиз ҳузурда шу йил 9 февраль куни қишлоқ хўжалигига бағишлаб ўтказилган тақдиротда соҳада илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш учун амалдаги институционал инфратузилмани ўзгартириш вақти келгани қайд этилди. Унда биотехнология, молекуляр биология, ген муҳандислиги, гибрид уруғчилик, "аклик" қишлоқ хўжалиги, космик ва дрон технологиялари, ерлар деградацияси ҳамда соғлом туپроқ, органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, ветеринария, қишлоқ хўжалигини рақамлаштиришга оид тақлифлар қўриб чиқилди.

фойдаланиш, фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шароитида ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш учун замонавий технологияларни жорий этиш ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик энди фақат меҳнатга эмас, балки технологияга ҳам боғлиқ бўлиб бормоқда. Иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва ишлаб чиқариш харажатлари ўсиши фермердан янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Шу шароитда сунъий интеллект қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежайдиган, ҳосилни оширадиган ва даромадни кўпайтирувчи самарали иқтисодий ечим сифатида олдинга чиқмоқда.

Бу йўналишда халқаро амалиётда етакчи бўлган ФАО (Food and Agriculture Organization of the United Nations) турли мамлакатларда рақамли фермерлик лойиҳаларини жорий этиб, амалий натижаларга эришиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигини рақамли трансформация қилишга қаратилган қатор ишлар бошланди.

Ушбу халқаро тажриба Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ислохотлари доирасида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун ҳам амалий аҳамиятга эга. Масалан, сунъий интеллект ечимларини



УШБУ МАҚОЛАНИ КОРКАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

кўллаётган Сенегалнинг ялпи ички маҳсулоти тахминан 30 миллиард, Руанданики 14 миллиард АКШ долларига етди. Демак, иқтисодий салоҳияти юқори бўлган Ўзбекистон учун ҳам бу борада имконият янада кенг экани аниқ кўринади. Қишлоқ хўжалигида сунъий интеллект асосида қабул қилинган қарорлар ресурслар

ишлаб чиқариш самардорлиги сезиларли даражада ошади. Бу эса фермер даромадини кўпайтириш билан бирга қишлоқ хўжалигини рақамли трансформация қилишга қаратилган ислохотларнинг иқтисодий самарасини таъминлайди.

Халқаро тажриба ва иқтисодий таҳлиллар шунини кўрсатадики, сунъий интеллект қишлоқ хўжалиги учун қиммат тажриба эмас, балки тез самара берадиган иқтисодий ечимдир. У сув ресурсларини тежайди, ҳосилдорликни оширади ва фермерлар даромади ўсишига хизмат қилади.

Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун нафақат мумкин, балки барқарор ривожланиш йўлида зарур қадамдир.

Ушбу ташаббуслар доирасида соҳани рақамлаштириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда, агромаълумот инфратузилмаси шакллантирилмоқда ҳамда фермерларга рақамли хизматлар кўрсатиш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу эса сунъий интеллектни кенг қўллаш учун мамлакатимизда зарур ташкилоти ва ахборот пойдевори яратилаётганини аниқлатади.

Сунъий интеллект жорий этилган шароитда сув ресурслари таъжмор бошқарилади, ҳосилдорлик барқарор ўсади ва касалликлар эрта аниқланади. Иқлим хавфлари олдиндан

узлуксизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналиш рақамли трансформациянинг техник асосини ташкил этади. Чунки рақамли хизматлар ҳажми ошгани сари маълумотларни ишлаш, сақлаш ва ҳимоя қилишга талаб ҳам ортади.

Замонавий дата марказлар тармогини ривожлантириш орқали давлат ахборот ресурсларини марказлашган ҳолда бошқариш, хизматларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва ташқи хатарларга бардошли инфратузилма яратиш имкони пайдо бўлади. Бу, айниқса, электрон давлат хизматлари, банк-молия тизими ва стратегик аҳамиятга эга ахборот ресурслари учун жуда муҳим. Шу билан бирга, маълумотларни мамлакат ичда сақлаш рақамли суверенитетни мустақкамлашга хизмат қилади.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам тақдиротнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилди. Бу борада сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръатига эришилаётган, интернет тезлиги ва қамрови йилдан йилга ошиб бораётгани, мобил алоқа хизматлари сифати сезиларли даражада яхшиланиши таъкидланди. Ушбу кўрсаткичлар рақамли хизматлардан фойдаланиш имконияти аҳоли учун кенгайтирилганини кўрсатади.

2026 йилда 5G технологияларини жорий этиш режаси эса телекоммуникация соҳасида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб беради. Юқори тезлик, паст кечикиш ва катта маълумотлар оқимини узатиш имкониятига эга 5G тармоқлари санаят, транспорт, тиббиёт ва "ақлли шаҳар" лойиҳаларида рақамли ечимларни кенг жорий этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳоли пунктларини юқори тезликдаги интернет билан қамраб олиш ишларини давом эттириш рақамли тенгликни таъминлаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқни қисқартиришга қаратилган.

Сунъий йўлдош алоқасидан фойдаланишнинг кенгайтириш режалари эса географик жиҳатдан олис ҳудудларда ҳам барқарор интернет ва алоқа хизматларини йўлга қўйиш имконини беради. Бу эса рақамли хизматлардан барча фуқароларнинг тенг фойдаланишини таъминлашда муҳим омилдир.

Президентимиз рақамли технологиялар иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимини самардорлигини кучайтириш ва аҳоли ҳаёти сифатига бевосита таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаб, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича мутасадди идоралар рақамли хизматларни йўлга қўйишга қаратилган таътиқ этилишида шахсий маъсулият ва натижадорликка алоҳида эътибор қаратилишини аниқлатади.

Умуман олганда, тақдиротда белгиланган вазифалар рақамли технологияларни мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳасига чуқур жорий этиш, Ўзбекистонни минтақадаги рақамли ривожланиш марказларидан бирига айлантиришга қаратилган изчил ва стратегик "йўл харитаси" эканини кўрсатади.

Мамлакатимиз рақамли трансформацияда барқарор ва стратегик йўлни танлаган. Стартаплардан электрон давлат хизматларига, сунъий интеллект лабораторияларидан 5G технологияларига қадар бўлган тизимли чора-тадбирлар мамлакатини рақамли иқтисодиётда минтақавий лидерга айлантиришга хизмат қилади. Эндиги асосий вазифа халқаро бозорларда рақобатбардошлигини кучайтириш ва ҳар бир фуқаронинг рақамли имкониятлардан тенг фойдаланишини таъминлашдир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

башорат қилиниб, кутилмаган йўқотишлар камади. Акс ҳолда, сув танқислиги кучайиши, ҳосил йўқотишлари ортинги ва рақобатбардошлик пасайиши мумкин. Демак, технологияни жорий этишнинг ўзи ҳам муайян иқтисодий хавфларни юзага келтиради. Айниқса, сув ресурслари ва ҳосил йўқотишлари билан боғлиқ хатарлар сунъий интеллект орқали сезиларли даражада камайтирилиши мумкин.

Сунъий интеллектни жорий этиш катта сармоя талаб қилади деган фикр амалиётда тўлиқ тасдиқини топмайпти. Оддий сенсорлар, рақамли мониторинг ва прогноз тизимлари орқали ўртаҳол фермер хўжалиқлари учун ҳам самарали ечимлар жорий этиш имконияти бор.

Ҳисоб-китобларга кўра, бундай технологиялар сув тежалиши орқали йилга ўртача 5-7 миллион сўм, ўғит ва кимёвий воситалар сарфи камайтириш ҳисобига 4-6 миллион сўм, ҳосил қиймати ошиши орқали эса 15-25 миллион сўмгача қўшимча даромад келтириши мумкин. Жами иқтисодий самара 24-38 миллион сўмни ташкил этади.

Бошланғич сармоя ўртача 14-22 миллион сўм бўлиб, технология кўп ҳолларда 6-12 ой ичда ўзини қоплайди. Бу эса сунъий интеллектни харажат эмас, балки юқори даромад келтирувчи инвестиция сифатида баҳолашга асос беради.

Бироқ технологиянинг самарали ишлаши учун фақат техник ечимлар етарли эмас. Бу жараён давлат сиёсати, инфратузилма ва билим тизими билан уйғун ҳолда кечиши лозим.

Шу маънода, сунъий интеллект қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг манфий давоми сифатида намоён бўлмоқда. Давлат томонидан яратилаётган янги имтиёзлар эса фермер хўжалиқларида бундай технологияларни жорий этиш учун амалий иқтисодий асос яратмоқда.

Караматилла ҲАЙТБОВЕВ, техника фанлари номзоди, доцент



# ЖАДИДЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ



**Ҳабиб АБДИЕВ,**  
Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори

**Бола тарбиясида энг муҳим бўлган мактабгача таълимдир. Чунки шахснинг илк маънавий асослари айнан 3-6 ёшда шаклланади. Боланинг дунёқараши, ахлоқий тушунчалари, ўзини англаш ва жамоада ҳамкорлик қилиш қобилияти шу даврда юзага келади. Демак, мактабгача таълим фақат мактабга тайёрлов эмас, балки миллий ва маънавий пойдевор яратишнинг дастлабки босқичидир.**

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 февралдаги “Мақтабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 январдаги “Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самардорлигини ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарориди таълим сиёсатининг стратегик йўналишлари, “Миллий тарбия модели”ни яратиш ва уни таълим тизимининг барча бўғинларида изчил жорий этиш белгилаб берилган.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, мактабгача таълимда болаларга ватанпарварлик ва миллий гуруҳ гоёлари жасорат ва эгулик тимсоллари орқали синдирилади, тарбия жараёни эса ибратли воқеалар билан бойитилади. Шу йўл билан миллий гуруҳ тушунчаси агрессивликдан холи, маънавий юксалиш тарзида намоён бўлади. Масалан, Германия мактабгача таълимида эътиборга молик “Кичик фуқаро” демократик тарбия модели амал қилади. Унда болага тарбия объекти эмас, балки фаол иштирокчиси сифатида қаралади. Боғчаларда “Бола кенгаши” ташкил этилиб, оддий ва содда қарорлар болалар иштирокида қабул қилинади. Шу тарихда уларда масъулият ва қадриятларга ҳурмат шаклланади, ўз-ўзини англаш жараёни тезлашади.

қилади. Шунингдек, таълим жараёнида “Кичик кенгаш” каби ҳафталик муҳокамаларни йўлга қўйиш болаларни эркин фикрлаш ва мулоқотта қорлайди. 10-15 дақиқалик самимий суҳбатлар туфайли улар ўз фикрини ифода этишни, бошқаларни эшитишни ўрганади.

“Менинг фикрим муҳим” бурчаги эса болага “сенинг ўз овозинг бор” деган қатъий ишонч беради. Шунда у расмий чизди, белги қўядими, барибир унинг қарши, айтган фикрлари эътиборсиз қолмайди. “Адолат қутчаси” эса низолини пардаламай, очик муҳокама қилиш маданиятини мустаҳкамлайди. Бу билан бола адолат, келишув ва ўзаро ҳурмат тушунчаларини табиий равишда ўзлаштиради. Бундай ёндашувлар мактабгача таълимни оддий парваришдан тизимдан бола шахсини тарбияловчи маънавий-маърифий муҳитга айлантиради. Бола фикри ўсиб, дунёқараши тобора кенгайиб боради.

Миллий тарбия модели ҳақида сўз юритилар экан, унинг назарий асосларини амалиёт билан боғлаш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Бу жараёнда ўқув-методик таъминот, тарбиячилар малакаси ва таълим муҳитининг мазмунан бойлиги ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Ватанини севиш — қуруқ шиор эмас. У инсоннинг ҳар бир сўзи ва амалларида намоён бўладиган юксак маънавий хулқ-атвордир. Бола табиатни асраш орқали ватанини ангайсин, катталарга ҳурмат орқали миллий маданиятни ҳис қилсин, яхши ўқиш орқали юртга фойда келтириш мумкинлигини теран тушунсин. Ана шунда ватанпарварлик туйғуси табиий ҳолда юзага чиқади.

Бугунги глобал ахборот муҳитида миллий қадриятлар ёшлиқдан сингди-



УШБУ МАҚОЛАНИ  
КОРАКАЛПОҚ ТИЛИДА  
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН  
QR-КОДИНИ СКАНЕР  
ҚИЛИНГ!

**Агар биз бугун мактабгача таълимда жадидлар меросини мазмунан ва руҳан татбиқ этсак, эртага жамиятда маънавий бўшлиқ эмас, балки маърифатли ва масъулиятли авлод вояга етади.**

қаратилгани билан муҳимдир. Мазкур босқичда бола мактаб муҳитига мослашиб, масъулият, интизом ва ижтимоий фаоллик хислатларига эга бўлиб боради. Муҳими, унда миллий ўзлиқка оид илк тушунчалар пайдо бўлади.

Бу борада жадид маърифатпарварлари томонидан илгари сурилган гоёлар, амалга оширилган ислохотлар ҳамон долзарблигини йўқотгани йўқ. Улар таълим миллат тарққитишнинг асосий омилли эканини англаган ҳолда янги усул мактаблари очиб, болаларга замонавий илм-фан билан бирга миллий таълим ва миллий руҳни ҳам сингдиришга қатъий ҳаракат қилди.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, ахлоқ, эҳти ва жисмоний камолот уйғун ривожланиши учун “тарбияни тугилган кундан бошламоқ лозим”. Бугун миллий тарбия модели айнан шу тамойилга суянади. Шунда бола билимли бўлиш билан бирга юксак тарбия эгаси ва маънавиятли шахс сифатида камол топади.

Мақтаб — миллат тақдирини белгилайдиган муқаддас маскан, тафаккур боғчаси. Миллатни юксалтирадиган ягона йўл эса билим ва маърифатдир. Шу боис, боланинг фикрлаш қобилиятини эрта ривожлантириш, мустақил фикрлаш ва ҳулоса чиқаришга ўргатиш жадид болаларимиз астойдил оруз қилган устувор вазиға бўлган. Мазкур гоёлар мактабгача таълим мазмунини бойитишда ҳал қилувчи методологик асос сифатида эътироф этилмоқда.

Бола дунёни, аввало, ўзин орқали кўради. Шу жиҳатдан мактабгача таълим жараёнида турфа мавзудаги ўйинлар, савол-жавоб машғулоти, ижодий топшириқлар ва гуруҳ муҳокамаларидан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу усуллар болада нафақат билим олиш, балки фикрлаш, мулоҳаза юритиш ва ўз нуқтаи назарини эркин ифода этиш кўникмасини ҳам тарбиялайди.

Юртимизда ҳам жадид маърифатпарварлар ҳаёт йўли ва гоёларини мактабгача таълим жараёнига инновацион ёндашувлар асосида интеграция қилиш имкониятлари етарли даражада кенг. Масалан, “Маърифат қаҳрамони” ёки “Тафаккур боғчаси” каби демократик тарбия моделларини татбиқ этиш болалар қалбида миллий гуруҳ ва онгли фуқаролик бурчини янада кучайтиришга хизмат

рилмаса, бола онгида маънавий бўшлиқ юзага келиши мумкин. Демак, ахборот тезлиги, глобал таъсирлар ва мафкуравий рақобат кучайган замонда боланинг маънавий иммунитетини ҳар қачондан эрта шакллантириш кечиктириб бўлмайди заруратдир. Бу иммунитет эса таълим ва кечовларсиз, мустаҳкам миллий асосга таянган ҳолда вужудга келади. Жадидлар мероси ана шундай асослар-

дан бўла олади. Шу боис, жадидлар мероси асосида мультфильмлар, аудиоэротаклар, интерактив ўйинлар ва электрон ресурслар яратиш жуда фойдали бўлади. Буларнинг барчаси тўғри йўналтирилса, бола тез қабул қилади.

Таълим-тарбия уйғунлиқда олиб борилиши учун оила ва мактаб ҳамкорлиги энг муҳим унсурлардан бири саналади. Ота-она ва тарбиячи ягона мақсад йўлида ҳаракат қилса, қутилган натижага эришилади. Шунинг учун мактабгача таълим ташкилотларида ҳам ота-оналар билан маънавий-маърифий учрашувлар, очик машғулоти ва қўшма тадбирларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Болалар тарбиясида тарбиячи шахси ва касбий маҳорати ҳал қилувчи ўрин тутади. Унинг нуқти, кийиниши, муомаласи ва одоби болалар учун ўзига хос бебаҳо сабоқ ва яширин дарслиқдир. Агар тарбиячи миллий қадриятларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлса, бола ҳам шу руҳда тарбияланади.

Агар боланинг мурғак қалбида илгма муҳаббат, юртга садоқат ва фаол ҳаётий тушунча шаклланса, у эртага мамлакат тараққитига ҳисса қўшадиган масъулиятли шахс бўлиб вояга етиши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги мактабгача таълим ташкили ҳам бола қалбида илк фуқаролик ҳиссини уйғотувчи муҳитга айланishi зарур. Зеро, бола “мен шу юртининг фарзандиман” деган содда, аммо теран маънога эга туйғунинг илк нишонларини ҳис этсин.

Абдурауф Фитрат тафаккурни ривожлантиришни миллат тараққитининг бош омил деб билди, болани тайёр қилишга солишини эмас, балки унинг қалби ва онгида мустақил фикр учқунини ёқишга интилди. Чунки эркин фикрлайдиган авлодгина янги жамиятни бунёд эта олади. Шу боис, мактабгача таълим ана шу гоёлар асосида ташкил этилса, тарбия жараёни оддий кўникмаларни сингдириш билан чекланиб қолмай, бола шахсининг ички салоҳиятини кенг очадиган, уни мустақил ва онгли фикрлаш сари етаклайдиган қудратли кучга айланади.

Маҳмудўжа Бехбудий назарида таълим миллатни жаҳон тараққити билан ҳамнафас этадиган, унинг тақдирини белгилайдиган стратегик омил эди. Унинг қарашларидан англашладикки, миллий тарбия замонавийликдан четда қолмаслиги, аксинча, анъана ва янгиликни уйғунлиқда камол топиши даркор. Болалар қалбида миллий қўшиқлар садоси билан бирга, замонавий ахборот технологияларидан онгли фойдаланиш маданияти ҳам шакллансагина келажак авлод ҳам рақобатбардос, ҳам юксак маънавиятли инсон бўлиб вояга етади.

Мақтабгача таълим ҳақидаги ҳар бир мулоҳаза, фикр ва тақлиф бу — миллат келажаги ҳақидаги ғамхўрлик. Чунки боғчада айтилган ҳар бир сўз, ўтказилган ҳар бир машғулоти, берилган ҳар бир ибрат бола қалбида эз қолдиради. У шу излар асосида ўзини англайди, ўз йўлини танлайди, ўз юртига муносабатини шакллантиради.

Жадидлар учун мактаб келажак устaxonаси эди. Бугун мактабгача таълим ташкилотлари ана шу устaxonанинг илк поғонасига айланishi керак. Юксак бинолар мустаҳкам пойдеворсиз барпо этилмаганидек, маънавий баркамол жамият ҳам юксак тарбиясиз ва мустаҳкам билимсиз ривож топмайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз Иброҳим Ғафуровнинг қуйидаги ибратли фикрлари миллий тарбия учун жуда долзарб: “Энг яхши миллий тарбия бу — умуминсоний тарбия ҳамдир. Мустақил Ўзбекистонда миллий тарбиянинг ана шундай йўли асос қилиб олинмоқда. Бизда миллий тарбиянинг жуда муътабар тажриба мактаблари мавжуд. Бу мактабларда тинимсиз ўрганиш ва тинимсиз ўқимоқ лозимдир”.

Агар биз бугун мактабгача таълимда жадидлар меросини мазмунан ва руҳан татбиқ этсак, эртага жамиятда маънавий бўшлиқ эмас, балки маърифатли ва масъулиятли авлод вояга етади. Миллий тарбия модели қорғзда қолиб кетмай, ёш авлод қалбида яшай бошласа, ана ўшунда ислохотлар самараси яққол кўринади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим — оддий босқич эмас. У миллат келажаги бошландиган нуқтадир. Бу нуқтадаги ҳар бир иш ёрқин келажак сари ташланган мустаҳкам ва дадил қадамдир.

5

2026 йил 11 март, 47-сон

Муносабат

# ТАШАББУСКОР ЁШЛАР МАЙДОНИ

Президентимизнинг ёшлар билан навбатдаги очик мулоқотида билдирилган фикр ва ташаббуслар, аynиқса, таълим сифати, инновация, рақамли технологиялар, тадбиркорлик ва ватанпарварлик руҳини юксалтириш борасидаги вазиғалар биз, олий таълим муассасалари жамоаси учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



**Шерзод НЕЪМАТОВ,**  
Қарши давлат техника университети ректори

Астойдил ҳаракат қилган одам, албатта, кўзлаган манзилига етади. Ёшлар билан учрашув натижаларимизни сарҳисоб қилиш ва янги режа-мақсадларни белгилаб олишимизга асос бўлди.

Мамлакатимизнинг ёшларга оид сиёсати, эртани ўйлаб кўрилайётган изчил чора-тадбирлар бугун самарасини бермоқда. Ёшларимиз кўрсатилган ғамхўрлик, имконият ва имтиёزلардан руҳланиб, ўзига ишончи ортапти. Бугун янгиликка интилувчан, билимли, ташаббускор ёшларнинг янги авлоди майдонга чиққан. Шунга мос равишда университетимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, “Келажакка қадам” дастури орқали 166 талабанинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида банклардан 6 миллиард 405 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Банк имтиёзлари тад-



биркорликка қизиқадиган ёшларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши ёки оилавий тадбиркорликни ривожлантиришида асосий кўмакчига айланади.

Талабаларимиз мунтазам равишда “Мирзо Улуғбек ворислари” ва бошқа танловларда голиблар сифидан ўрин эгаллаб келмоқда. Жорий ўқув йилининг ўзида 13 талабамиз Ўзбекистон Президенти ва бошқа номдор стипендиялар соҳиб бўлди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам ишларимиз кўлами кенгаймоқда. Хозир 2 та қўшма таълим дастури бўйича фаолият юритяпмиз. 350 талабамиз “Ишла ва саёҳат қил (Work and travel)” дастури асосида Германия ва Болгарияда пул тўланадиган амалиёт жараёнида иштирок этиш учун ҳужжат топширган. Айни пайтда 1000 дан ортик талаба немис тили курсларида тил ўрганимоқда. Шунингдек, 15 талаба грантлар асосида Европа Иттифокнинг нуфузли университетларига стажировка ўташ, қисқа ва узоқ муддатли таълим дастурлари асосида тахсил олиш учун юборилади.

2025/2026 ўқув йилида университетни 5408 битирувчи тамомлайди. Уларнинг барчасини иш билан таъминлаш чораси кўрилмади. Университетимизга бириктирилган 10 дан ортик қорхона ва ташкилот билан ҳамкорликда дуал таълим йўлга қўйилмоқда. Талабаларни янги билим ва хунарларга ўргатиш мақсадида Сунъий интеллект, Биоэнергетика, Кимёвий технология илмий-тадқиқот лабораториялари ҳамда “Energo Control Lab” энергия аудит маркази, Сейсмология ва қурилиш илмий-тадқиқот институтини ташкил этишни мақсад қилганмиз.

Муҳандис талабаларимиз хорижда осон иш топиши учун, аввало, уларга замонаг мос таълим бериш, шунингдек, асосий таълим йўналишларини халқаро акредитациядан ўтказиш лозим. Бугунги кунгача университетимизнинг 3 та магистратура мутахассислиги ва 2 та бакалаврият таълим йўналиши Германиянинг ASIIN халқаро акредитация ташкилотиди рўйхатдан ўтказилди. Бу нима беради?

Эртага талабага дипломга қўшиб, халқаро аккредитация сертификатини ҳам берамиз. Демак, битирувчининг қўлида университет дипломи, муҳандисликка оид халқаро сертификат, тил билиш бўйича яна бир сертификати бўлса, у ишсиз қолмайди. Нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам ўзига муносиб, сердаромад ишни осон топа олади.

Бугунги кунда ҳар бир университет фаолиятини баҳолашда талабалар бандлигини таъминлашдаги кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратилади. Бу — катта масъулият. Сабаби, олийгоҳни тамомлаётган талаба нафақат билимли мутахассис, балки хунарли бўлиши ҳам лозим. Ана шунда унинг эртага ишли бўлиши осон кечади. Билими, хунари борми, ишсиз қолмайди.

Университетимизнинг қурилиш ва архитектура таълим йўналишида тахсил оладиган талабаларидан 776 нафари виллоятдаги 99 та маҳалланинг бош режасини ишлаб чиқишга жалб этилди. Уларнинг амалий машғулоти ҳам ана шу ҳудудларда ташкил қилинмоқда. Бу билан маҳорати юксалиб, тажрибаси ортади. Янги гоёлар, лойиҳалар учун замин яратилади.

Китобхонликни кучайтириш мақсадида университетимизда “Бир ойда бир китоб”, “Асардан иқтибос” каби танловлар йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан маҳаллалардаги ёшларга китоблар совға қилинди. Маънавият ҳамisha устувор масала ҳисобланади, чунки мутахассиснинг билими, хунари, дипломи бўлса-ю, маънавияти бўлмаса, у етук қадр эмас. Инсоннинг, биринчи навбатда, маънавияти шаклланган бўлиши лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, бадий асарлар билан боғлиқ танловлар талабаларимизни китобга ошно қилди.

Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотида талабаларнинг спорт соҳасидаги иқтидорини аниқлаш, уларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш, малакали мураббийлар қўл остида шуғулланишини таъминлаш масаласида ҳам муҳим ташаббуслар илгари



сурилди. Шу мақсадда спорт федерациялари билан амалий ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Шахмат бўйича виллоят чемпиони ва бир неча турнирлар голибаси Феруза Қурбонованинг халқаро мусобақаларда иштирок этишига ёрдам кўрсатилади.

Шу ўринда ёшларга айтар сўзимиз бор: билим олишга масъулият билан ёндашинг. Ҳар бир дарс, ҳар бир лаборатория машғулоти, ҳар бир амалий топшириқ келажакнинг учун пойдевордир. Инновацион фикрлашни ривожлантиринг. Стартлап лойиҳалар, илмий тадқиқотлар ва амалий ишланмаларда фаол иштирок этинг. Тил ўрганиш ва рақамли кўникмаларни ошириб бординг. Булар халқаро майдонда рақобат қила олиш учун талаб эмас, балки заруратдир.

Хозир университетимизда 22 мингга яқин талаба тахсил олмоқда. Иқтидорли ёшларимиз томонидан 60 дан ортик стартлап лойиҳа яратилиб, улардан 10 га яқини амалиётга тавассул қилинди. Ушбу стартлаплар, асосан, маҳаллалар ва ҳудудий қорхоналардаги муаммолар ечимига қаратилётгани билан аҳамиятли.

Талаба ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида университетимизда замонавий экотизим яратилади. Яъни Муҳандислик илмий-ишлаб чиқариш маркази (Fab-lab) ишга туширилмоқда. Марказ уларни 10 дан ортик касбга ўргатиш, 150 дан ортик ёшнинг бандлигини таъминлаш, стартлапларнинг “гоядан маҳсулотгача” тамойилини амалга оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ишонч катта шараф ва улкан масъулиятдир. Бу ишончнинг амалий натижалар, янги ютуқлар ва юксак марралар билан оқлашга ҳаракат қиламиз. Амминанки, университетимиз талабалари нафақат Қашқадар виллояти, балки бугун мамлакатимиз тараққитига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишадими.



Зулфияхоним издошлари

# ЮРТ ШАРАФИНИ ЮКСАЛТИРАЁТГАН НАФОСАТ СОҶИБАЛАРИ




Атоқли ўзбек шоираси ва жамоат арбоби Зулфия Исроилова номи билан аталган давлат мукофоти йиллар давомида фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, спорт, жамоатчилик фаолияти ва ахборот технологиялари каби қатор йўналишларда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган юзлаб иқтидорли ва ташаббускор қизларни кашф этиб, ютуқларини кенг жамоатчиликка танитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ахборот технологиялари алоҳида, саккизинчи йўналиш сифатида киритилди.

Тасвир этилганидан буён 500 дан зиёд иқтидорли қиз ушбу давлат мукофотига сазовор бўлган. Бу юртимизда истеъдодли, билимли, ташаббускор ва фалон қизлар сони йил сайин ортиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Жорий йил 6 март куни хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда давлатимиз раҳбари 28 нафар иқтидорли хотин-қизни Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлади. Давлат раҳбари қўлидан ушбу нуфузли мукофотни қабул қилиб олган хотин-қизларнинг қалбидан кечган ҳис-туйғулари ҳақида билиш мақсадида улар билан давра суҳбати уюштирдик.



## Бу иштиёқ катта марралар сари йўл очади

Дилафрузхон СОБИРОВА,  
Фаргона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси



Жорий йилнинг 6 март санаси энг омадли ва қувончли кунларимдан бири бўлиб қолди. Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган тақдирлаш жараёнида давлатимиз раҳбари қўлидан Зулфия номидаги давлат мукофотини қабул қилиб олдим.

Ушбу учрашув, у ерда айтилган самимий сўзлар ва эътирофлар барча қизлар қатори меннинг ҳам қалбимда ўчмас из қолдирди. Ҳали-ҳамон кўз олдимда: исми янграгани, саҳна томон секин қадам ташлаб бораётганим, аммо ич-ичимдан шошилиб, ҳаяжондан юрагим тез ургани ... бу ҳолат ҳеч ёдимдан чиқмас керак.

Президентимиз мукофотни тақиб, биз, ёшларнинг ютуқларимиздан мамнулигини айтиди. Мен бениҳоя хурсанд бўлдим. Раҳмат айтиб, жойимга қайтаётганимда Президентимиз айтишга қараб: "Гарвардлик қизим бу", дея тазкидлади. Ўша лаҳзада кўнглимда шундай ажойиб ҳислар жўш урдик, уларни сўз билан ифода этиш кийин. Бу фақат қувонч эмас, ишонч, масъулият ва туганмас илҳом эди.

Давлатимизнинг мен каби оддий бир қизга кўрсатган бундай эътибори ва эътирофи юрагимда илгари ҳеч хис қилмаган қувонч, завқ-шавқни уйғотди. Ишончманки, бу иштиёқ келгуши фаолиятимда янада катта марраларни забт этишимга катта туртки бўлади.



Индира САТНИЙЗОВА,  
Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси

Ўша кунни эсимда нам ҳам ўтирган эди. Ростини айтсам, ҳаяжондан унинг юзига қарашга журъат қилолмайдим. Аммо мени дунёга келтирган, тарбиялаб вояга етказган ва ҳаммадан кўп яхши кўрадиган волидамни бир оз бўлсада қувонтира олганим учун ўша кез ўзимни жуда бахтли хис қилдим. Албатта, бу мукофотгача бўлган йўлимда кўплаб инсонларнинг хиссаси бор.

## Муваффақият сирини меҳнатда экан

Тақдирлаш маросимидаги ҳар бир лаҳза мен учун унутилмас хотира бўлиб қолди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг: "Қорақалпоғистонда сендай математик қизим борлигидан фахрланаман" деган сўзлари ўқиб ва изланишларимга катта иштиёқ берди. Шу билан бирга, елкамга масъулият ҳам юклатди. Мен энди бу ишончнинг оқшам керак. Онам математика ўқитувчиси бўлгани сабабли болалигимдан уйимизда доимо математик муҳит ҳукм сурган. Онам билан бирга масалалар ечар, онамга ўқувчиларнинг ёзма ишларини текширишда ёрдам берадир. Кейинчалик юқори синфларга ўтганимдан фан

олимпиадаларида иштирок эта бошладим ва қатор ютуқларга эришдим.

Бирок мен учун бир тўсиқ бор эди — хоррий тилларни билмаслик. Рус тилидаги масалаларни ечишда раҳматли бобом таржима қилиб ёрдам берган. Лекин 9-11-синф олимпиадаларида қатнашганимда англадимки, инглиз тилини билмасдан туриб, халқаро математика олимпиадалари учун зарур бўлган комбинаторика ва сонлар назарияси каби йўналишларни чуқур ўрганиш кийин. Шу сабабли вақтимнинг катта қисмини инглиз тилини ўрганишга бағишладим. Бу меҳнат кейинчалик талабалик давримдаги муваффақиятларимга ҳам катта ёрдам берди.

Келажақда математика соҳасида фундаментал тадқиқотлар олиб бориб, янги натижаларга эришадиган олимпиада бўлишни орзу қиламан. Бакалавр дипломини олғач, математика йўналишларидан бирини танлаб, магистратурада таҳсил олишни режалаштирганман.

## Ҳаётнинг гўзал ва унутилмас лаҳзаси

Нодира ИБРАГИМОВА,  
Тошкент шаҳридаги "Shkola 21" нодавлат таълим муассасаси лойиҳа раҳбари



Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидаги чекка бир қишлоқда туғилганимга қарамай, юртимизда яратилаётган чексиз имкониятлар туфайли дунёнинг энг нуфузли университетларида таҳсил олиш имконига эга бўлдим. Қарийб ўн йилдан буён ахборот технологиялари соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган. Бугунги кунда беш тилда эркин мулоқот қила оламан.

Ҳозир Янги Ўзбекистон университети магистратурасида таҳсил олаётган. Мен ўқибётган йўналиш Германия билан ҳамкорликда йўлга қўйилган бўлиб, дарслар юқори малакали профессорлар томонидан ўтилади. Энг муҳими, мамлакатимизда аёллар таълимини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор туфайли контракт тўловим тўлиқ давлат томонидан қопланмоқда.

Бугунги кунгача АҚШ, Малайзия, Марокко, Жанубий Корея, Камерун ҳамда бир қатор Европа ва МДХ мамлакатларида тажриба ортириб, халқаро технологик лойиҳаларда иштирок этдим. Бир неча бор Google ва Amazon компанияларидан ишлаш таклифини олдим. Польшада ўтказилган йirik ахборот технологиялари саммитида Ўзбекистондан иштирок этган илк қиз сифатида қатнашиб, 10 минг кишилик аудитория олдида юртимиздаги жадал ислохотлар ва имкониятлар ҳақида нутқ сўзлаш насиб этди.

Шифокорлар оиласида улғайганим боис, соғлиқни сақлаш соҳасига қизиқишимни тиббиётни сунъий интеллект билан боғлашга ундади. Чикагонинг нуфузли компаниясида АҚШ бўйлаб юздан ортиқ шифохона маълумотларини таҳлил қилиш бўйича тажриба орттирдим.

## Саодатга элтувчи илм

Латофат АМИРОВА,  
эркин ижодкор, шоира



Ҳаёт синов ва қийинчиликлар билан тоғли. Синовлар бизни ўстириб, юксак марраларга етаклаши эса ҳақиқат экан. Қашқадарё вилояти Косон туманидаги чекка бир қишлоқда улғайдим. Мактабда ўқиб юрган кезларимдан адабиётга илҳомим банд эди. Коллежда ўқиган йилларимда Озод Шарафиддиннинг "Довондаги ўйлар" асари мени адабиётга буткул ошуфта қилди.

Орзум пойтахтда ўқиб эди, аммо оилавий шароит сабаб ниятим амалга ошмади. Бу орада турмушга чиқдим. Бирок китоб мутолаасидан ҳеч қачон воз кечмадим. Рўзгор ташвишлари, келинлик вазифалари, кейинчалик фарзанд тарбияси билан банд бўлсам-да, тунларимни дарс қилиш ва ўз устимда ишлашга бағишладим.

Ҳа, ҳаётимда синовлар кўп бўлди. Турмуш ўртоғим ва фарзандим эпилепсия хасталиги билан оғриди. Бу бош мия билан боғлиқ касаллик бўлиб, инсонда такрор-такрор тутқаноқ хуружларини келтириб чиқаради. Турмушнинг оғир зарбаларига чидаш учун ўзимда куч топа олган аёлман. Давлатимиз томонидан аёллар учун яратилаётган шароитлар эса қаддимни тик тутиб, қадрили бўлиб яшашимга йўл очмоқда.

Ҳаёт синовларини меҳнат, ўқиш ва илм билан енгишга ҳаракат қиламан. Чунки оиламга тиррак, фарзандларимга сунъий бўлиш шарт, бу инсоний бурчим. Бўш вақтимда, асосан, тунлари китоб ўқиб, ижод қиламан. Ҳаётимда қандай қийин шароит ва машаққат бўлмасин, барибир ўқийман. Чунки фақат илм инсонни қутқаради, ёруғликка, фаровон ва саодатли ҳаётга бошлайди.

Ўғри, кўп қаршиликлар бўлди, лекин мақсадимдан қайтмадим. Йиллаб-йиллаб дарс қилиб ухлаб қолган тунларим кўп бўлган. Аммо бу меҳнатларим зое кетмади, бугун юзим ёруғ. "Китоб ўқиб ким ҳам бўлардинг" деганлар эса мулзам...

Айтмоқчиманки, китоб ва илм инсонни доимо яхшилик ва эзгуликка бошлайди. Буни Президентимиз томонидан менга билдирилган улкан ишончда яна бир бор англадим. Мен нафақат давлат мукофотини олдим, балки ўша бахтли кунда уйли ҳам бўлдим. Энг муҳими, ҳаммасини ундай олишига бўлган ишончим янада мустаҳкамланди.

Шу муносабат билан байрам тантанасида, ўша бахтиёр лаҳзада давлатимиз раҳбарига айта олманган сўзларимни "Янги Ўзбекистон" газетаси саҳифалари орқали етказмоқчиман:

"Президентим, сизга чексиз раҳмат. Сиз ҳаётимни нур ва қувончга тўлдирдингиз. Янада кучлироқ бўлиб яшашим учун рағбат ва ишонч бердингиз. Мен бу мукофотни олишимга, очиги, асло ишонмаган эдим. Мукофот билан бирга уй совға қилганингиз титраб турган юрагимга малҳам бўлди. Кунни кеча икки хонали уй қилишни қўлимга топширишганимда, меҳнатим ва ижодим беқорга эмаслигини яна бир бор анладим. Сиз мен ва оилам учун гўзал ҳаёт эшигини янада кенг очиб бердингиз. Азиз бошингиз ҳамisha омон бўлсин!"

“Жорий йил 9 март куни давлатимиз раҳбарининг топширигига асосан Латофат Амировага Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида барча шароитларга эга, мебеллар билан жиҳозланган икки хонали уй топширилди.

## Аниқ мақсадга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди



Вазира ФАЙЗУЛЛАЕВА,  
Бухоро давлат тиббиёт институтининг 1-босқич магистранти

Болалигимда бувим ўзи ишлайдиган шифохонага олиб борса, ишларини кузатиб туришни ёқтирдим. Шифокор бувимнинг ўғитлари, тавсиялари ва оқ халатига бўлган садоқати мени шу соҳага етаклаган. Бувим нафақага чиққанда ҳам ота-оналар бегоб бўлиб қолган фарзандларини уйимизга олиб келарди. Кўзлари тўла умид билан келган бу инсонлар миннатдорлик ҳисси билан уйимиздан чиқиб кетаётганини кўриб, бувимнинг касби нақадар эъзозли эканини англаганман.

Авал Бухоро давлат тиббиёт институти бакалаврият босқичида педиатрия йўналишини тамомладим, сўнг магистратура босқичида оториноларингология мутахассислигини танладим. 2025 йилда "Аллергик ринитни

жигарнинг сурункали диффуз касалликлари билан кечганда даволаш тактикаси" мавзусидаги монографиям, бир неча ўқув-услубий қўлланмаларим чоп этилди. Жорий йилда эса "Соғлом миттўти" номли мобил иловам Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентланди. Илова орқали оналар 6 ойлик фарзандларини кўшимча озиқлантириш бўйича маслаҳатлар олади. Қайси маҳсулотларни, қандай миқдорда, қачон бериш керак, буларнинг барчасини ундан билиш мумкин.

Шунингдек, "Сурункали пелонефрит билан касалланган болаларда ўткир отитнинг оториноларингологик ҳолатини баҳолаш" дастурий таъминоти учун ҳам патентга эга бўлдим. Бундан ташқари, АҚШ, Россия, Германия, Словения, Қозғистонда ўтказилган халқаро анжуманларда ўз маъруза ва мақолалар билан иштирок этганман. Бир қанча илмий мақолаларим юртимиз илмий журналларида, шунингдек, "Scopus" илмий-техник маълумотлар базасида индексланган халқаро илмий-электрон журналда чоп этилган.

Ҳаётдаги шиорим — "Мақсадларга эришиш учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди". Бунга ўз амалиётимда ҳам ишобладим. Фарзандли бўлган кезларимда турмуш ташвишлари ва бола парварishi билан биргаликда мустақил равишда инглиз тилини ўзлаштириб, имтиҳон топширдим ва ўзим истаган натижа — IELTSда 7,5 балл олишга эришдим. Ёшлар учун 10 та модулдан иборат замонавий тренинг дастурини ишлаб чиқдим. Ҳозир уни таълим тизимига интеграция қилиш бўйича тавсиянома тайёрлаётганман.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири  
Гуличеҳра ДУРДИЕВА  
тайёрлади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.  
31346 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Ўдсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозидинов  
Мусаҳҳис: Акбар Қаршиев  
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзиллими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 21:30 Топшириди — 23:05